

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Д.Қ. Амонов- ҚМII,магистрант
Ш. А. Туробов - ҚМII,магистрант**

Талабаларнинг мустақил ишини мақсади - фанларни доимий ўзлаштиришни ташкил этиш, эгалланган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, машғулотларга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданиятини шакллантириш ҳамда янги билимларни излаш ва фойдаланишда мустақил ижодий ёндашишни ўргатишдан иборат.

Мазмун жиҳатдан талабаларнинг мустақил иши қуйидаги икки томонлама хусусиятга эга:

- бир томондан ўқув машғулотларини барча ташкилий шаклларида ва аудиториядан ташқари вақтда ўқув дастурини маълум бир мазмунини мустақил ўргатиш;
- иккинчи томондан талабанинг ўқув даврида бажариши лозим бўлган вазифалар мажмуи (реферат ёзиш, муаамони ижодий ёритилган ахборотини тайёрлаш, назорат ва курс ишларига доир маълумотлар тўплаш, адабиётлар таҳлилини ўтказиш ва ҳақозо).

Мустақил иш технологиясида ташкилий давр муҳим аҳамиятга эга, чунки, таълимнинг ушбу шаклида деканат, кафедра ва ўқитувчиларнинг бажарадиган функцияларида қўйилган мақсад ва эришиладиган натижа аниқ, батафсил ва мантикий тузилма сифатида ишлаб чиқилса, талабаларнинг ўқув билиш фаолияти шунчалик сифатли ва самарали бўлади. Масалан ўқув курсини мустақил ишида унинг ҳажми, шакллари, бажариш жадвали, ахборот ресурс таъминоти кабилар билан чекланмасдан курсни мақсадли шакллантириш, ургатиш, тушунтириш, тасаввур ҳосил қилиш, таништириш, стимуллаш феъллари ёрдамида ўқитувчи ва талалани асосий интилишларини акс эттириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Курсни вазифаси ақлий фаолият объекти бўлиб, масалани аниқ ва ноаниқ элементлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, вазифани бажариш шароитларини излаш учун унинг мазмунини амалий жиҳатдан қайта ишлаб чиқишни талаб этади. Бунинг натижасида курс мақсадидаги феъллар аниқлаштирилади яъни, маълум бир илмий билим ўзлаштирилади, дунёқараши шакллантирилади, билиш фаоллашади, янгича фикрлаш усуллари эгалланади ва қоқбилиятни турли қирралари ривожлантирилиб, касбий қизиқиш ҳамда тикланиш таъминланади.

Курс мазмунининг мавзуй-технологик тузилишидан далат таълим стандартларининг ўқув бирликлари мантикий жойлашувига эга бўлиб, уларнинг қисқача мазмунини таянч сўзлар ва мантикий каторларда акс эттирилади.

Манитиқий қаторлар таянч иборлардан тузилган сўз ёки сўзлар қатори бўлиб, ахборотнинг сонли ўзгартирилишини, матнни қисқартирилишини таъминлаб, матн доминантаси (матнни асосий аҳамияти)ни аниқлаш учун асос бўлади.

Қуйида “Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанидан талабалар мустақил ишини ташкил этиш усули талабаларнинг бу фанни мукамал ўзлаштиришига асос бўлади.

Талабалар “Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанидан ўз ишларини тўғри ва мунтазам ташкил қилишлари учун ўқув даври мобайнида фанларни чуқур ўзлаштиришлари учун қуйидагиларга амал қилишлари керак: маърузанинг қисқача ёзиб олинган мазмуни, мустақил тарзда ўрганилган манбаларни қисқача ёзиб олинган мазмуни, амалий ва семинар машғулотлари учун дафтар, ҳужжатлар папкаси (турли шаклдаги ҳужжатлар, аналитик ва синтетик ҳисоб қайдлари, бухгалтерия, солиқ, статистик ҳисоблар), иқтисодий атамалар луғати, ишчи дафтар.

“Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанидан манбалардан мустақил ишлаш бўйича конспектни уч бўлимга бўлиш тавсия этилади:

биринчи бўлимда аниқ тартибланган қадимги дунё, феодал жамияти ва илк капитализмнинг иқтисодий таълимотлари, классик мактабнинг иқтисодий таълимотлари, классик мактабга альтернатив таълимотлар, 19-аср охири 20-асрлардаги иқтисодий таълимотлар, ўтиш даври иқтисодий назариялари талабаларга иқтисодий таълимотлардан опротив фойдаланиш ва тўғрилаш даражаларини белгилашга ёрдам беради;

иккинчи бўлим маъруза материалларини ўрганишга берилади. Масалан, фанни ўқишда уша даврлардаги иқтисодий ғоялар, таълимотлар, иқтисодий тизимлар, таълимот ва ғояларнинг давлатлар иқтисодиётига таъсири, уларнинг салбий ва ижобий томонлари ва ушу таълимот ғояларининг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақидаги фикрлари ҳужжатини мустақил тузадилар. Бу нафақат материални яхши ўрганиш, балки ундан курс ва битирув малакавий ишларида фойдаланиш имконини беради. Шундай қилиб талабалар ҳужжат юритиш методикаси кўникмасига эга бўлишади, бу уларнинг тадқиқотлари натижасида иқтисодий таълимотлар ва ғояларнинг аҳамияти ва ўзига хослигини умумлаштириш ва тартибга солишга ёрдам беради;

учинчи бўлим ўрганилаётган саволларга нисбатан аниқ хулосалар ва таклифлар учун талаба томонидан ишлаб чиқилган бизнес конспектлар, дайжестлар, аналитик ёзувлар, таққослама жадваллар учун ажратилади.

Бу айтилган усуллар ўқитувчи томонидан такомиллаштириладиган, тўлдириладиган, ўзгартириладиган, ижодий фикрлаш фаолиятини ривожлантирадиган, талабанинг ўқув материални чуқур ўзлаштириш ва амалий кўникмаларини шакллантириш ва олинган билимларини тартибга солиш ва умумлаштиришга ёрдам беради.

